

ПАВЛУСНИНГ ФИЛИМЎНГА МАКТУБИ

Кириш

Мазкур мактуб муаллифи ҳаворий Павлусдир. Павлус ушбу мактубини Филимўн исмли масиҳийга йўллайди. Эҳтимол, Филимўн Колоса шаҳридаги жамоатнинг аъзоси бўлгандир. Филимўннинг Ўнисимус деган қули бор эди. Бу қул хўжайинидан қочиб кетиб, тақдир тақозоси билан Павлусни учратиб қолади. Павлус ўша вақтда қамоқда* бўлади. Ўнисимус Павлус орқали имонга келади.

Павлус бу мактубни Филимўнга қули Ўнисимус билан ярашишни илтимос қилиб ёзади. Сўнг Ўнисимусга мактубни бериб, уни Филимўннинг олдига қайтариб юборади. Павлус Филимўндан Ўнисимусни нафақат қул, балки масиҳий биродар сифатида қабул қилишини сўрайди.

Филимўнга мактуб жуда қисқа бўлгани учун бобларга бўлинмаган.

1–БОБ

Дуойи салом

¹ Исо Масиҳга қилган хизматим туфайли қамоқда бўлган* мен — Павлусдан ҳамда биродаримиз Тимўтийдан* севикли ҳамкоримиз Филимўнга салом!

² Синглимиз* Аффия билан сафдошимиз Архиппусга, шунингдек, хонадонингда йиғилиб турадиган имонлилар жамоатига ҳам салом йўллаймиз. ³ Отамиз Худо ва Раббимиз Исо Масиҳ сизларга иноят ва тинчлик ато қилсин.

Худога шукрона

⁴ Эй Филимўн, мен ибодат қилганимда сени эслаб, ҳар доим Худойимга шукур айтаман. ⁵ Чунки сенинг Раббимиз Исога бўлган имонинг ва барча азиз биродарларга бўлган муҳаббатинг ҳақида эшитиб турибман. ⁶ Ибодатим шуки, биргаликда баҳам кўраётган имонимиз сенинг ҳаётингда самара берсин. Исо Масиҳ учун қилишимиз керак бўлган яхшиликларни чуқурроқ тушунишингга олиб келсин. ⁷ Биродарим, сен туфайли биродарларнинг кўнгли тинч. Сенинг меҳр–муҳаббатинг менга катта севинч ва тасалли берди.

Павлус қул Ўнисимус учун илтимос қилади

⁸ Филимўн, сен ҳам, мен ҳам Масиҳга ишонамиз. Шунинг учун мен сенга, ўз бурчингни бажаргин, деб буюришга ҳаддим сиғади. ⁹ Аммо сен мени яхши кўрганинг учун илтимос қилишни афзал кўрдим. Исо Масиҳ туфайли қамоқда бўлган, ёши ўтиб қолган мен, Павлус, ¹⁰ маҳбуслигимда имон орқали менга ўғил бўлиб қолган Ўнисимус* учун сендан илтимос қиляпман. ¹¹⁻¹² Ўнисимус бир вақтлар сенга фойдасиз эди. Энди эса у сенга ҳам, менга ҳам фойдалидир*. Кўзимнинг оқу қорасидай бўлиб қолган Ўнисимусни сенинг олдинга қайтариб юбордим.

¹³ Мен Хушхабарни тарғиб қилганим учун қамоқда ётибман. Ўнисимуснинг

ёнимда қолишини, сенинг ўрнингга менга хизмат қилишини хоҳлар эдим. ¹⁴ Аммо сенинг розилигингсиз ҳеч бир иш қилишни хоҳламадим, чунки сенинг илтифотингни мажбурий эмас, балки ихтиёрий бўлишини истадим. ¹⁵ Балки, сен Ўнисимусни абадий қайтариб олишинг учун у сендан вақтинчалик ажралгандир*. ¹⁶ Энди у сенга фақатгина қул эмас, балки қулдан юқори, севикли биродарингдир. Мен уни жуда қадрлайман. Ишончим комилки, у сенга қул сифатида ҳам, Раббимиз Исо орқали биродаринг сифатида ҳам янада қадрлироқдир.

¹⁷ Агар сен мени Раббимиз хизматидаги сафдошинг деб билсанг, Ўнисимусни мени қабул қилгандай қабул қилгин. ¹⁸ Мабодо, у сенга зарар келтирган бўлса ёки сендан қарздор бўлса, буни менинг зиммамга юкла. ¹⁹ Мен, Павлус, қуйидагини ўз қўлим билан ёзяман*: мен қарзингни тўлайман. Сен ўз ҳаётинг учун* мендан қарздор эканлигингни айтишимнинг эса ҳожати йўқ. ²⁰ Ҳа, биродарим, Раббимиз Исо туфайли мендан бу илтифотингни аяма! Масих ҳақи-ҳурмати жонимга оро киргин! ²¹ Сен менинг сўзларимга қулоқ солиб, айтганларимни қиласан, ҳа, бундан ҳам кўпроғини бажарасан, деб ишонганим учун буларни ёздим.

²² Бундан ташқари, менга бирор турар жой ҳам тайёрлаб қўйгин. Чунки Худо ибодатларингизни эшитиб, мени яна сизларнинг олдингизга қайтаришига ишонаман.

Сўнги саломлар

²³⁻²⁴ Мен билан бирга Исо Масих номи учун маҳбус бўлган Эпафрас, ҳамкорларим Марк*, Аристархус, Димас, Луқо* сенга салом йўллаптилар.

²⁵ Раббимиз Исо Масихнинг инояти сизларга ёр бўлсин*.

ИЗОҲЛАР

қамоқда — 1-оятнинг биринчи изоҳига қаранг.

1:1 *қамоқда бўлган* — бу пайтда Павлус Римда маҳбус бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас (Ҳаворийлар 28:16, 30 га қаранг).

1:1 *Тимўтий* — илк жамоатнинг етакчиси бўлиб, ҳаворий Павлуснинг ҳамкори (Ҳаворийлар 16:1-3, Филиппиликлар 2:20-22 га қаранг).

1:2 *Синглимиз* — уларнинг туғишган синглиси эмас, балки имонли аёлларга шундай мурожаат қилинган.

1:10 *Ўнисимус* — Павлус Римда маҳбус бўлганда Ўнисимус у орқали имонга келган ва шу сабабдан Павлусга жуда яқин бўлиб қолган эди. Колосаликлар 4:9 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

1:11-12 *фойдасиз...фойдали* — Ўнисимус исмининг маъноси *фойдали* бўлиб, бу оятларда сўз ўйини ишлатилган.

1:15 *Балки, сен Ўнисимусни абадий қайтариб олишинг учун у сендан вақтинчалик ажралгандир* — Ўнисимус Филимўннинг уйдан қочиб кетганда ҳали масиҳий эмас эди. У Римда имонга келиб, Филимўннинг олдига масиҳий биродар сифатида қайтиб кетаётган эди. Энди улар имонли биродарлар бўлиб, Масиҳда абадий ҳаётга эга эдилар ва уларнинг ўзаро муносабати бутунлай ўзгарган эди.

1:19 *...ўз қўлим билан ёзяман* — 1 Коринфликлар 16:21 изоҳига қаранг.

1:19 *...ўз ҳаётинг учун...* — Филимўн Павлус орқали Исо Масиҳга имон келтирган бўлиши мумкин.

1:23-24 *Марк* — Колосаликлар 4:10 нинг охирги изоҳига қаранг.

1:23-24 *Луқо* — Колосаликлар 4:14 изоҳига қаранг.

1:25 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.